



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (13.752)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикада маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида уларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишдаги мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган сепаратист ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш ишбилармонлик фаолиятининг ўсишига, иқтисодий тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга инвестицияларни жалб этишга тўққинлик қилган тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5495-сон Фармонида мувофиқ:

а) 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилмоқда:

қийлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (мехмонхоналар, савдо объектлари, маданий-қўнғилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгаллик ҳуқуқини аукцион орқали сотиш;

б) қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимлигига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қийлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига қўнғилочар ҳўжатларда белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Коракалпоғистон Республикаси Жўқорди Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги "Давлат мулк объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3067-сон қарорининг 1 ва 2-иловавларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқини берилди.

2. Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августгача Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи эксперимент (кейинги ўринларда эксперимент деб юритилади) ўтказиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича инвестиция шартномаларини тузиш орқали Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида соддалаштирилган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун доимий эгаллик, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқини асосида ер участкаларини тақдим этиш имконияти;

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича инвестиция қилиш учун асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат мулк объектларини, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектларни уларнинг майдони ҳажмидан қатъи назар бериш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари билан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш назарда тутилган соҳалардаги объектлар бундан мустасно;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини ишончли бошқарув шартномаси асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бозорлар ва савдо комплекслари қўнғилочар (фондидаги) улушларини уларнинг баланс қўнғилочар ва ҳодимлари сонидан қатъи назар, хусусий тадбиркорлик субъектларига фаолият йўналишини сақлаб қилиш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шартли билан бериш, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг ижро этувчи органи функцияларини шартнома асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бизнесни ташкил этиш ва юритиш учун бериш. Бунда ҳар бир туманда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг улуши бўлган битта маҳаллий бозор сақлаб қилиниши назарда тутилсин;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат-хусусий шериклик шартларида автомобиль йўллари бўйлаб пуллик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобиль сақлаш жойларини қуриш дастурларини тасдиқлаш;

энг зор ижара тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини тақлиф этган, асосан йўл ҳаракати соҳасида инновация лойиҳаларини амалга оширишда тажрибага эга тадбиркорлик субъектларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфидан бўлган, шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларида тўташ ҳудудларида жойлашган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларини давлат-хусусий шериклик шартларида 10 йилга қадар муддатга ижарага бериш.

ташкilotларга бериш масаласини, шунингдек, амалга ошириш тақлиф этилаётган инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари ва давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартларини тежкорлик билан келишиш ва маъқуллаш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экспериментни ўтказиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал қилишга амалий кўмаклашиш бўйича фаолиятининг аниқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш, бюрократизм ҳолатларига йўл қўймаслик ажрасидан тежкор чоралар қўриш;

экспериментни сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, эксперимент доирасидаги барча масалаларни тежкор қўриб чиқиш ва улар юзасидан келишилган қарорлар қабул қилиш юлкансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ эксперимент доирасида:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар ҳафта инвестор кўни ўтказилади, унинг доирасида, қоида тариқасида, Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг инвестиция шартномаларини тузиш, уларга ер участкалари ажратиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат мулк объектларини бериш бўйича инвестиция тақлифлари қўриб чиқилади ҳамда тегишли маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг сайтига жойлаштирилади;

инвестиция фаолиятини олиб бориш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра ер участкалари бериш инвесторга ер участкасини бир йилгача муддатга (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб ўзайтириш имконияти билан) дастлабки захиралаш шартли билан амалга оширилади, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар инвестор томонидан бажарилганидан сўнг ер участкасига эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштирилади. Инвестор томонидан зиммасига олинган мажбуриятлар инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар ва муддатларга мувофиқ бажарилмаганда ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопламасдан бекор қилинади;

фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини ўз балансида сақловчилар томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги сўров жўнатган вақтдан кейин бир ой муддатга фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини ташкил этиш, объектни аниқ ижарага олувчиларга бериш, аниқ инвестор (шерик)ни жалб этиш чоралари, шунингдек, фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбалари назарда тутилган тақлифларнинг тақдим этилмаганлиги Тошкент шаҳри ҳокимининг фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини инвестиция қилиш учун асосида реализация қилиш ёки бериш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш учун асос бўлади;

кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкаларини тақдим этиш, фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини реализация қилиш ёки бериш масалалари бўйича қарорини қабул қилиш учун рўёбга чиқариш тақлиф этилган инвестиция лойиҳаларининг кўрсаткичларини Ишчи гуруҳ томонидан келишиш ва маъқуллаш ўн иш кўни давомида амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, қўриб чиқиш, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда ўн иш кўни давомида, шу жумладан, электрон шаклда амалга оширилади;

Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг ваколатлари Тошкент шаҳар ҳокимига ўтади, у мазкур ваколатларни кичик саноат зоналари дирекцияларига қисман ёки тўлиқ бериши мумкин;

муайян инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдончасидан ташқарида зарур тақши муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджетни маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 октябрдан: автоматотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби бекор қилинади, улар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда ягона солиқ тўлов ёки бошқа умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтказилади;

автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматлари, жойлашувидан қатъи назар, юридик шахслар томонидан автоматотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берадиган видеокузатув ва автоматотранспорт воситалари кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш тизими билан жиҳозланганда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси автоматотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг тушулурлиги тўлиқлиги устидан тизимли назорат ўрнатсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимига хорижий инвестор томонидан қўнғилочар ҳўжатларида белгиланганидан қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларини бериш талаби қўйилганда тақдирда 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳуқуқини берилиши.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК "САР" авиакомпаниясининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Райхон кўчасида жойлашган бинолари, иншоотлари ва бошқа инфратузилмасини уларга тўташ 101,64 гектар майдон билан биргаликда кейинчалик топширилаётган объектлар негизда "Индустриал парк" кичик саноат зонасини ташкил этиш шартли билан қабул қилиш ва топшириш далолатномалари асосида Тошкент шаҳар ҳокимлигига бегараз бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) бизнес юритиш учун энг мақбул шарт-шароитлар ва қулай инвестиция муҳитини яратиш, туманлар кесимида Тошкент шаҳрининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш учун зарур тақшилий тадбирларни амалга ошириш, мақсадида туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда:

тегишли ҳудудларда мавжуд имконият ва шароитларни аниқ эйтиришни назарда тутадиган Тошкент шаҳри ва туманларнинг инвестиция паспортларини;

инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий мақсадларини, устувор тармоқларни ривожлантириш чораларини, маданий ва ижтимоий объектлар ҳамда атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини сақлаш билан боғлиқ чекловларни белгилайдиган Тошкент шаҳрида ҳудудлар кесимида инвестиция муҳитини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, концепциянинг натижадорлигини таъминловчи кўрсаткичларини;

масъул шахслар ва молиялаштириш манбаларини белгилаган ҳолда инвесторларни аэропортлар, вокзаллар, ташрифт буюриш объектларида кўтиб олиш, қўзатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур транспорт ва техника воситалари билан таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин;

б) Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари фаолиятини жадаллаштириш, бўш турган ер участкаларини мақбул тарзда фойдаланиш, улар негизда кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича, зарур ҳолларда Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳри Олмасор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманларига тўташ ҳудудларида Тошкент шаҳрининг янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун ҳар бирининг майдони 20 гектардан кам бўлмаган ер участкаларини ажратишни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) бир ой муддатда Тошкент шаҳар ва туманлари ҳокимларининг, шунингдек, улар ўринбосарларининг салоҳиятини инвесторларни жалб этиш, хорижий ҳамкорларга инвестиция салоҳиятини ва бизнес юритиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш учун учрашув ва музокаралар, шу жумладан, хорижий мамлакатларга сафарларнинг календарь режасини ишлаб чиқсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А.Артиқходжаев зиммасига:

инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари томонидан шаҳарсоҳили регламентлари ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича талабларга риоя этилиши;

юклатилган вазифа ва функцияларни сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажариш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал қилиш, бунда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигига ўз фаолиятида алоҳида эътибор қаратиш, ҳолислик ва очиклик принципларига риоя этиш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиш;

эксперимент доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган давлат мажбуриятларини молиялаштириш манбалари билан таъминлаш; ушбу Фармоннинг 8-бандига мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги;

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисми, маданий мерос объектлари ва атроф-муҳит қулай экологик ҳолатининг сақланиши, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, манзара ниҳон дарахтлар ва гуллар эккан ҳолда яшил ҳудудлар барпо этиш, дарахтлар ва ўсимликларнинг ноқонуний кесилишдан ҳимоя қилиш;

ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ва турли қўнғилочарликлар (дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, маданий мерос объектларига зарар етказиш ва бошқалар) билан боғлиқ фуқаролар муносабатлари ва шикоятлари бўйича тежкор чоралар қўриш юзасидан маъсулият юклансин.

10. Ишчи гуруҳ (А.Н.Арипов, С.Р.Холмуродов) Ишчи гуруҳ тартибига киритилаётган масалаларнинг тежкор қўриб чиқилишини, шунингдек, юклатилган вазифа ва функцияларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

11. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда турар жой зонасида жойлашган объектларни қайта иқтисодлаштиришга рўхсат бериш тартибини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин, бунда уй-жой ва мехмонхона ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим объектларини, болалар муассасалари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва зарурати ҳисобга олинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда экспериментнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ва мониторинг ўрнатсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда эксперимент натижалари юзасидан ушбу Фармоннинг амал қилишини республиканинг бошқа ҳудудларига таъбиқ этиш бўйича тақлифлар киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳар ойда ушбу Фармонга мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашиларига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда кўмаклашиш тавсия қилинсин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу Фармоннинг қондалари, мавжуд имкониятлар, инвестиция қилишувларини амалга ошириш натижалари ва давлат-хусусий шерикликнинг афзалликлари кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А.Артиқходжаев зиммасига юклансин.

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон 2018 йил 17-18 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Давлат раҳбарлари мунтазамлик касб этган олий даражадаги Ўзбекистон – Тожикистон мулоқотининг давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг, унга узоқ муддатли ва кенг қўламли тус беришнинг устувор йўналишларини белгилаб олади.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокаралар яқунда давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани, турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги анъанавий қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар тўпламини имзолаш режалаштирилмоқда.

Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи дастуридан Олий Мажлис Қўнғилочар палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов, Бош вазир Абдулла Арипов билан учрашувлар ўтказиш, Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш ҳам жой олади.

БАРЧАМИЗ – БИР УҒҚ НУРЛАРИМИЗ

Бугун Тожикистонда "Сизнингча, жорий йилда жамиятимиз ҳаётида қайси воқеа энг ёдда қоларли ва қувончли бўлди?" деган савол билан ижтимоий сўров ўтказилса, аксарият фуқаролар бир овоздан "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи" деб жавоб беришига ишончим комил.

Тожикистон Президенти, Миллат раҳнамоси Имомали Раҳмон ушбу ташрифини тарихий деб баҳолади.

Бу – айна ҳақиқат. Зеро, қўшни давлат раҳбарининг йигирма беш йил куттилган ташрифи билан чегаранинг икки томонида истиқомат қилаётган минглаб фуқаролар ҳаётини шу кунгача мураккаблаштириб турган "темир парда" ҳам қулай бошлади. Шу боис орадаги совуқлик йўқолиб, мамлакатларимиз раҳбарлари самимий учрашувда бир-бирига қарата "Қардошим" деб муносабат этган ҳалқларда республикамиз бўйлаб барча одамлар беҳад шодланди, айримлар ҳатто қувонч ёшларини яшира олмади.

Бунинг ажабланишли жойи йўқ. Негаки, сайёрамизда тожик ва ўзбек халқлари сингари асрлар оша бир тарихий йўлни босиб ўтган ва ажралмас даражада жипслашиб кетган қардош халқлар топилмас керак. Шу боис ҳам анъана ва урф-одатларимиз, динимиз, турмуш тарзимиз, таомларимиз, мусикамиз, исмларимиз ўхшаш. Эндигина мустақилликни қўлга киритган давлатлар ўртасида турли сабабларга кўра узоқ йилларга қўзилиб кетган ва фақат зиёндан бошқа ҳеч нарса келтирмаган, халқларимиз иродасига қарши юзага келган совуқ муносабатлар эса, аксинча, ажабланишли ҳол эди.

Ҳатто марҳумларни сўнгги манзилга кузатиш учун одамлар қариндошлариникига боролмас эди. Албатта, бунга Тожикистонда ислом радикаллари ва уларнинг хориждаги ҳўмиллари томонидан уюштирилган (эндиликда бунда ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ) фуқаролик уруши ҳам қисман сабаб бўлди. Ёш суверен давлат танлаган демократик, ҳуқуқий, дунёвий жамият барпо этиш йўли уларга ҳўш келмаган эди. Бахтимизга ўша қоронғи кунлар ортда қолди. Миллат пешвоси Имомали Раҳмоннинг сиёсий иродаси ва узоқни қўзлаган оқилона сиёсати туяйли жамиятимизнинг соғлом қучлари бирлашиб, қуролли қаршиликларга барҳам берилди. Тожикистон заминидан узоқ куттилган тинчлик қарор топди.

Тожик халқи Қақнус каби ўзини ўнглади. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан қатъий одимламоқда, дунёнинг қўллаб мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини қўллаб-қувватламоқда.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент шаҳри, 2018 йил 15 август

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИННИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан 15 август куни АҚШнинг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича савдо вакили ёрдамчиси М.Линскотт раҳбарлигидаги АҚШ Савдо вакили офиси делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланиётгани, бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15-17 май кунлари АҚШга расмий ташрифи ўзаро манфаатли муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик мустақамлашиб бормоқда. Турли даражадаги делегациялар учрашувлари мунтазамлик касб этган. АҚШ Савдо вакили офиси делегациясининг ташрифи мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий, сармоя соҳаларидаги алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида савдо муносабатларида имкон қадар қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. 2018 йил биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, мамлакатларимиз то-вар айланмаси 256 миллион АҚШ долларида зиёдни ташкил қилди.

Учрашувда Ўзбекистонга савдо имтиёзларини тақдим этиш борасида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича мамлакатимиз қатор ютуқларга эришаётгани қайд этилди. АҚШ томони мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлашга тайёр экани алоҳида таъкидланди.

М.Линскотт Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичига қадам қўйгани, бу ўзаро шериклик ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда янги саҳифа очганини алоҳида қайд этди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.Қўчқоров билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг жорий ҳолати ва истиқболлари, ҳамкорликни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Делегация аъзолари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, иқтисодиётни либераллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни оқори баҳолади. Мамлакат иқтисодий секторидида кузатилаётган фаоллик, хориж капитални жалб қилишга қаратилган турли форумларнинг ташкил этилаётгани бунга имкон бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигида ўтказилган музокарада делегация аъзоларига Ўзбекистонда инвестициявий муҳитни яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар ижроси ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиётгани, ташқи савдо айланмасида ижобий салдо кузатилаётгани, иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ўсиб бораётгани қайд этилди. Утиши кутилаётган Марказий Осиё савдо форуми ва Ўзбекистон – АҚШ бизнес-форумига тайёргарлик қўриш масалалари муҳокама қилинди.

АҚШ делегацияси шу куни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлигида ҳам музокара-лар ўтказди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ

БАРЧАМИЗ – БИР УФҚ НУРЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тожик ва ўзбек халқларида “Узоқдаги қариндошдан яқинда-ги кўшни яхши”, деган мақол бор.

Муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Душанбега ташрифи давомида мен гувоҳ бўлган ажойиб воқеа ёдга келади. Ўша ташрифдан аввал пойтахтимизга Ўзбекистон маданият арбобларидан иборат катта делегация келди, қайси шахарга боришмасин, санъат ихлосмандлари уларнинг концерт ва чиқишларини юксак олқишлар билан кутиб олди. Шоирлар Одам атоси, устоз Рудакий бундан ўн асрдан ортиқ вақт аввал

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун

Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун, – деганда, нақадар ҳақ бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ўша кунларнинг бирида наби-

рам Муҳаммад билан кечки сайрда юрганимда, икки кишининг ўзбек тилида гаплашаётгани қулоғимга чалинди. Уларнинг меҳмон ёки маҳаллий эканини билиш қийин эди, чунки Тожикистонда ўзбек тилини Ўзбекистонда тожик тили каби ҳар ерда эшитиш мумкин. Улар Ўзбекистондан келганини меҳмонларнинг бири “Ҳа, бу ер ҳам Тошкентимиз сингари тинч ва осойишта экан”, деганида билдим. Шериғи унга қараб “Мен Фон тоғларига боришни, сўлим Ҳафтқўлни кўришни узоқ вақтдан буён орзу қиламан”, – деди.

Ҳа, бизнинг Тожикистонда бундай гўзал масканлар кўп, ҳар йили дунёнинг барча мамлакатларидан минглаб сайёҳлар бу жойларга ташриф буюради. Жорий йилнинг Туризм ва халқ хунармандлигини ривожлантириш йили, деб эълон қилингани билан сайёҳлар оқими янада

кўпайди. Бу юртимизда барқарор тинчлик ҳукм сураётгани, мамлакат барча соҳаларда жадал ривожланиётганининг яна бир далилидир. Ўзбек ака-сингиллар, сиз ҳам юртимизга келинг, ахир, бахтимизга самолёт ва автомобиль қатнови тикланди.

Муҳтарам Шавкат Мирзиёев ўз ташрифи чоғида тинчлик ва миллий бирлик асосчиси, Миллат раҳнамоси, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонга эсдалик – ҳеч қачон қул-фланмайдиغان дарвоза совға қилди. Ушбу чуқур рамзий маънога эга совға тожик ва ўзбек халқларининг қалби бир-бири учун ҳаммиса очқилганини ифодалади. Зеро, шoir айтганидек: “Барчамиз – бир уфқ нурларимиз”.

Мансур СУРУШ,
Тожикистоннинг “Ховар”
Миллий ахборот агентлиги
адабий шарҳловчиси
ЎЗА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси якунларини кўриб чиқди. Унда депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишда ҳар чоракда мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш Қонунчилик палатасининг устувор вазифаларига кириши ва бу доим депутатлар корпусининг диққат марказида бўлиб келгани таъкидланди.

Харажатлар стратегиясининг тизимли амалга оширилиши юртимиз иқтисодиётида таркибий ва сифат ўзгариши ясамоқда. Иқтисодиётнинг барқарор суруятларда ўсиши ва макроиқтисодий мувозанатни, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминламоқда. Қишлоқ ҳўжалигининг модернизациялашуви ва интенсификациялашуви-га имкон яратмоқда.

Хисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилгани сақлаб қолинди. Кенгайтирилган йиғилишда мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2018 йил биринчи ярмида ҳам даромадларнинг бир маромада тушишини ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш орқали Давлат бюджети 144,3 миллиард сўм миқдоридида профицит билан ижро этилиши таъминлангани қайд этилди.

Ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 18 триллион 378,5 миллиард сўм ёки умумий харажатларнинг 55,7 фоизи миқдоридида маблағ ажратилди. Бу харажатлар ЯИМга нисбатан 12 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, йиғилиш иштирокчилари бюд-

жет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ айрим камчиликлар ҳам мавжудлигини айтиб ўтди. Хусусан, айрим бюджет ташкилотларида маблағларнинг ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳўқуқбузарликларга йўл қўйилаётгани, айрим тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётгани оқибатда дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорликларнинг юзага келаётгани танқид қилинди.

Мажлисида депутатлар вазирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-ҳўқуқий базани такомиллаштириш, маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизоimini кучайтириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш борасидаги вазифаларни белгилади олди.

Мажлисида Давлат солиқ ва Божхона кўмиталари вакилларининг Давлат бюджетни даромад қисмининг ижроси тўғрисидаги ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги бошқа ҳўжалик бирлашмаларининг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар асосида кўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимизнинг Олмазур тумани Мойариқ маҳалласида яшовчи Жобир Алимов (исм шарифи ўзгартирилган) кўшни хонадонни анчадан буён кузатиб юрарди. Ким қачон ишга кетиб, қачон келишини яхши билган 24 ёшли йигит тунда хонадон деворидан ошади ва қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетаётганида хонадон бекаси уни кўриб қолади. Аммо тун қоронғуси панд бериб, ким эканини англай олмайди.

Шундан сўнг маҳалладаги кузатув камералари текширилди. Буни қарангки, “уддабурон ўғри” қаерда камера борлигини, ундан ҳимояланиш йўллари яхши билган. Қидирув-суриштирув ишлари давом этаётган бир пайтда йигит Чилонзор туманидаги кафе-лардан бирида жанжал чиқарган. ИИБ ходимлари томонидан текширилган ва бармоқ излари олинган. Натижада унинг учта жойда амалга оширган жиноятлари фош этилган.

Унинг нотўғри қадам ташлаши, жиноят кўчасига кириши, ўз маҳалладошлари ишончини суиистеъмол қилиб, юзига оёқ қўйишига асосан ишсизлик сабаб бўлган.

Воқеа ўрганилиб, таҳлил этилган, содир этган жиноятлари сабабли етказилган зарар унинг оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланди. Унинг ёшлиги, оилавий шароити инobatга олиниб, узоқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қисқа муддатли тартибга чакори ишларидан сўнг озодликка чиқарилди.

Ушбу маҳалла фуқаролар йиғини профилактика катта инспектори Сабдулла Ҳакимовнинг маълумот беришича, бу ёш йигит билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Худуддаги “Иззат” хусусий корхонасида ишлаши, оиласи иқтисодига кўмаклашиш учун имконият яратилди.

– Маҳаллада 5 мингга яқин аҳоли бор, – дейди ЎЗА мухбирига маҳалла оқсоқоли Эрийит Борзорбоев. – Асосан ҳовли-жойлардан иборат худудда тинчлик-осойишталики таъ-

ТИНЧЛИК ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

унга эришиш машаққатлар эвазига бўлади

минлаш мақсадида аҳоли ҳаммиса огохликка чақиради. Лекин “гуруч курмасиз” бўлмаганидек, улар орасида билиб-билмай хато қиладиган, жиноятга қўл ураётганлари ҳам учраб турибди. Лекин ўз айби ва камчилигини вақтида англагач, хатосини тузатишга уринаяпти. Шунинг ўзи катта гап.

Айни кунларда ушбу маҳаллада мустақиллигимизнинг 27 йиллигига пухта ҳозирлик кўриломоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида амалий чора-тадбирлар кўриляпти. Бу йилги байрам тантаналари “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” шiori остида ўтказилиши режалаштирилган. Маҳалла фаоллари ҳам кадрли, дунёда ягона, жонажон Ватанимиз тинчлиги, мустақиллигини асраб-авайлаш, унинг тараққиёти, халқ фаровонлиги учун ҳаракат қилмоқда.

Шўрки, мустақиллигимиз шарофати билан биз тинчлик-осойишталик,

бунёдкорлик, аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ҳукм сурган, тараққиёт йўлидан дадил бораётган, оқилона ва одилона сиёсат юритилаётган юрда эмин-эркин яшаймиз.

Инсонларга тинчлик, осойишталикдан кўра азизроқ неъмат йўқ. Юрт нотинч бўлса, тўй-томоша, хурсандчилик, ўйин-кулги татирмиди.

Бундан уч йил олдин пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек бекатида 5 ёшлардаги бир болакайнинг катталар назоратисиз турганини гувоҳи бўлдим. Ундан нега ёлғизлигини сўраганимда ота-онаси билан истироҳат боғини айлангани келганини, сўнг у шошиб, катталарни кутмасдан метрога кирганини, улардан адашиб қолганини айтди. Бекатдаги масъул ходимлар, ички ишлар органи мутахассисларининг тезкор сайёҳаракатлари билан ота-она топилди. Бунга бекатдаги юртдошларимиз ҳам кўмаклашди.

Бу ўзаро меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, қолаверса, инсоний фази-латлар, миллатимизга хос анъаналарнинг ёрқин ифодасидир.

Барно МЕЛИҚУЛОВА



● Самарқанд вилоятидаги маҳаллалар, корхона-ташкilotлар ва муассасаларда Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан республика тарғибот гуруҳи томонидан маънавий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Каттақўрган шаҳридаги ҳарбий қисмда уюштирилган шундай тадбирда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

● Термизда республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиали иш бошлади. Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган янги шифо масканига 10 та гемодиализ, ТУР, литотриптер, рентген, УЗИ аппаратлари ўрнатиш мўлжалланмоқда. Яратилаётган бундай қўлайликлардан вилоят аҳолиси мамнун.

● Хоразм вилояти Урганч шаҳрида оилавий ажримларнинг олдини олиш масаласига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда оилавий ажримлар юзасидан амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари таҳлил этилди.

● Боёвут туманидаги “Зиёкор” маҳалла фуқаролар йиғинида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” шiori остида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкilotлари, тарғибот гуруҳи вакиллари, ижодкорлар, нурунийлар, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

● Тошкент вилояти Қибрай туманида “Аёллар ижтимоий мослашув мас-лаҳат маркази” иш бошлади.



● Италия шимолида 80 метр узунликдаги баланд кўприкнинг кучли ёмғир пайтида кулаб тушиши натижасида 20 дан ортиқ машиналар пастга тушиб кетган, ҳалок бўлганларнинг сони номаълум. Ҳозирча ўтган асрнинг 60-йилларида қурилиб, бундан икки йил муқаддам таянч қисмлари таъмирланган кўприкнинг қулаши сабаблари номаълум. Бу ерда жадаллик билан кутқарув ишлари кетмоқда.

● АҚШнинг Массачусетс технологиялар институти олимлари яқин юз йил ичида жазирама ҳарорат туфайли Хитойда миллионлаб аҳолининг истиқомат қилиши қийинлашишини аниқлади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, инсон фаолияти оқибатида зарарли газларнинг ҳавога кўтарилиши туфайли иқлимнинг кескин ўзгариши Хитойнинг асосий деҳқончилик минтақаси бўлган шимолий қисмида ҳароратни кучайтиради. Экинларни суғориш жараёнида катта ҳажмдаги сувнинг бугуналиши оқибатида юқори ҳарорат аҳволни янада мураккаблаштиради.

● Япониялик муҳандисларнинг учувчисиз парвоз қиладиган автомобилларни тажрибадан ўтказиш ниятида эканлиги маълум қилинди. Яъни, Япония ҳукумати 2018 йил якунигача хавфсизлик масалалари ва технологиялар бўйича кенгаш ташкил этади ва у ана шундай машиналардан фойдаланишни бошлаш учун аввало ҳуқуқий ва техник базани ишлаб чиқиш билан шўғулланади. Ушбу автомобиллардан, хусусан, табиий ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишда фойдаланилиши қайд этилмоқда.

Оила фарзандлар униб-ўсадиган нурли гўша, одамзод туғилиб, вояга етадиган муқаддас даргоҳ, эр-хотиннинг умргузаронлик қилиши учун қўйилган муборак қадамдан юзага келувчи муҳташам қасрдир. Инсон оила гулзорига сайр этиш баробарида, уни обод, гўзал ва нурафшон қилиш учун киради. Давлатимиз томонидан оилаларнинг тинчлиги, осойишталиги, бахту саодати йўлида олиб борилаётган ҳар бир хайрли иш, ҳар бир фаровонликка йўғрилган қадам эзгулик ва яхшиликка хизмат қилади.

Тошкент шаҳар "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳам оилалар маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва никоҳнинг барқарорлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, ота-оналар бурч ва масъулиятини янада ошириш, фарзандлар тарбиясига эътибор ва турли долзарб ечимларни ижобий ҳал этиш юзасидан бир қанча лойиҳа ва мақсадли режаларни амалга оширмоқда.

Уз фаолияти давомида жойларда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш, оилада болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш, оилавий низоларнинг олдини олиш каби бир қанча долзарб масалалар доирасида тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатларини ўтказиб келмоқда.

Тошкент шаҳар "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказида туман раҳбарлари, мутахассислари, психолог ва ҳуқуқшуносларнинг касбий билимларини, қобилият ва кўникмаларини янада кучайтириш мақсадида ўн икки кунлик ўқув курсларининг ташкил этилиши ҳам оилалар тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги ишларнинг узвий давомидир.

Бу борада 2018 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида қадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида"ги қарори дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

12 кунлик ўқув курслари доирасида ходимлар ёшларини оилавий ҳаётга тайёрлаш, низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ахрлийларнинг олдини олиш, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бора-сидаги билмларини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, ушбу ўқув курси оила институтини мустаҳкамлаш, унинг замонавий шаклини жорий этиш, оиланинг репродуктив саломатлиги, фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш, эр-хотин, ота-она, фарзандлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, замонавий оиланинг мезонларини белгилашда иштирок этиш, унинг ички ва шахслараро муносабатларини, оилавий

қадриятларини ўрганиш каби мақсадларни қамраб олган.

Профессор-ўқитувчилар, фан номзодлари ва малакали амалиётчилар томонидан оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳалқаро тажрибани ўрганиш, оила институтини ривожлантириш, унинг замонавий шаклини жорий этиш бўйича машғулотларни олиб бориш, методикаларини ўрганиш ҳамда тақомиллаштириш каби вазифалар ўқиш жараёنларида ходимларга илмий-амалий, услубий тарзда ўқитилиб, тушунтирилиб борилади.



камловчи, ахлоқий ва маънавий баркамол авлодни дунёга келтириб, уни қомил инсон қилиб тарбияловчи муқаддас даргоҳдир. Шундай экан бу йўналишда ҳам-жиҳатликда тинмай ишлашимиз, изланишимиз ва тадқиқотлар олиб боришимиз лозим. Чунки оиланинг мустаҳкамлиги ва хотиржамлиги, она Ватанимизнинг тинчлигини, истиқболли эртасини таъминлайди.

Дарҳақиқат, мазкур марказ соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва никоҳнинг барқарорлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида эрта никоҳларнинг олдини олиш, оилада ота-оналар бурч ва масъулиятини янада ошириш, фарзандлар тарбия-сига эътибор ва турли долзарб ечимларни ижобий ҳал этиш борасида кенг қўламли ишларни бажариши ўз олдига вазифа қилиб белгилаб олган.

Марказнинг турли жамоат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликда ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиши, оилаларга яқиндан кўмак бериш ва турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш имконини бермоқда.

"Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишлар, ўзбек оиласининг аҳилликда фаровон яшашини, янада файзу барокатга бой бўлишини, унда ўсиб-унаётган фарзандларнинг қомил инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади ва жамиятнинг ишончли, таянч нуқтасига айланади.

**Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: ўқув жараёнидан лавҳа
Тимур Камиллов олган сурат**

Қарор ва ижро

**ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ –
ЮРТ ТИНЧЛИГИ**

Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси оила институтини мустаҳкамлаш концепциясининг мазмун ва моҳияти", "Оиладаги ҳуқуқий муносабатлар", "Оиладаги ҳуқуқий низоларнинг турлари ва ечиш йўллари", "Оила институтининг самарали ривожланишида иқтисодий масалалар: оиланинг иқтисодий таъминоти ва оила тадбиркорлиги" каби мавзулар ҳам шулар сирасига киради.

– Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар борасида кенг қўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда, – дейди "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи Шохид Шомуталова биз билан суҳбатда. – Зеро, оила мўъжаз бир Ватан, жамият ўзаги, ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини таъминловчи, миллий қадриятларни ривожлантирувчи, авлодлар умр занжирини мустаҳ-

Пойтахтимизда "Обод маҳалла" дастури доирасида талайгина хайрли ишлар олиб борилаётганининг, бундан қанчадан-қанча оилалар рози бўлаётганининг гувоҳимиз. Маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар ҳар хил соҳалардаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Асосийси эса ҳамшаҳарларимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, уларнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда. Шу юрт учун дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундамоқда.

"Обод маҳалла" дастури – амалда

**ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ
ЭТМОҚДА**

Дастур доирасида шахримиз кўчалари, таълим ва тиббиёт масканлари ҳолати замон талаблари даражасига келтирилмоқда. Ночор ва ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олнинг, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилаётди.

Бежизга маҳалла ободлиги юрт кўрки, дейишмайди. Юртимизда маҳаллаларни обод қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқароларнинг бугунги кундан рози бўлиб яшаш, эртанги кунга ишонч билан қараш учун шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Обод маҳалла" дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар пойтахтимизда ҳар бир маҳалла янгича қиёфа бахш этиш, одамларнинг муаммоларига амалда ечим топишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз топириги асосида пойтахтимиз туманларида дастур доирасида олиб борилаётган изчил сай-ҳаракатлар маҳаллалар ҳаётига янги нафас олиб кирмоқда. Халқимиз бежизга уйи боринг уйи йўқ, демаяди. Дастур ўз ичига аҳолини қийнаб келаётган турар жой масалаларини ҳам қамраб олганини пировардида инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун деган гоа иқроси амалда акс этляпти.

Юнусобод туманидаги "Янги бог" маҳалласи ҳудудида қурилиш ишлари бошланган уй-жой ҳам мана шу эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳудудда 4 қаватли 40 та хонадондан иборат уй-жой қурилиши олиб боришмоқда. Демак, ушбу турар жойларнинг фойдаланишга топширилиши фуқароларга ҳар томонлама қулай ва шинам, уй-жойларга эга бўлишга, натижада пойтахт аҳолисининг фаровонлиги янада ошишига хизмат қилади.

Эртанинг эгаларининг ёруғ ва шинам, барча шарт-шароитларга эга таълим масканларида билим олишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, туманининг "Боғишма-мол" маҳалласи ҳудудидаги 280 ўринли 74-сон мактабга таълим муассасасида капитал таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Боғчининг аввалги қиёфаси эски ва кўрimsиз, шароитлари ҳам талабга жавоб бермайдиган ҳолатда бўлган. Ота-оналар мана шундай шароити йўқ масканга ҳам болаларини жойлаштиришга мажбур бўлиб келаётган эди. Эндиликда эса ушбу боғчининг реконструкция қилиниши натижада эски ва кўрimsиз бино ўрнида тез орада шинам, замонавий талабларга жавоб берадиган мактабга таълим муассасаси барпо этилади.

Тумандаги "Ахилбод" маҳалласи ҳудудида жойлашган 246-сон умумтаълим мактабида кўшимча ўқув биносининг қурилиш-реконструкция ишлари жадал суръатларда олиб боришмоқда. Аввал симфоналар кам

бўлгани учун ўқувчилар тикилиб таҳсил олишган. Эндиликда эса мазкур мактабга яна 420 ўринли қўшимча ўқув биноси қуриб, топширилади.

Яна бир янгилик сифатида "Янги бог" маҳалласи ҳудудида 2 та уч қаватли жами 48 та хонадондан иборат, кам таъминланган ногиронлар учун бериладиган уй-жойларини қуриш ишларига киришилганини айтиш мумкин. Шу билан бирга, тумандаги "Посира" маҳалласи ҳудудидаги 2 қаватли 22 та хонадон иборат ётоқхона биносини ҳам капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур қурилиш-таъмирлаш ишлари одамларнинг эртасидан рози бўлиб яшашига, фаровон турмуш кечирishiга қаратилган.

Республика ишчи гуруҳининг "Обод маҳалла" дастури доирасида Тошкент шаҳридаги ўрганишлардан сўнг уй-жойга муҳтож ногиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий химояга муҳтож оилалар, яқка-ёлғиз инсонларнинг энг катта ҳаётий муаммосини ҳал қилиш – уларни турар жой билан таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги 11 та туманда 39 та кўп қаватли уй, 2 сотихли 12 та ховли қурилмоқда. Бунинг натижасида жорий йил охирига қадар 923 та, 2019 йилда яна 60 оила муҳим бошпанга эга бўлади.

Ана шундай хайрли ишлар сирасига Мирзо Улугбек туманининг "Азамат" маҳалласида ҳам 4 қаватли 2 та уй-жой қурилишини қиритиш мумкин. Бу ерда жорий йил охирига қадар 48 та оила янги замонавий хонадонлар билан таъминланади.

Яшнобод тумани "Хосиятли" маҳалласида 7 қаватли 8 та уй-жой қад ростлашмоқда. Бунинг натижасида 350 та оиланинг доимий турар жой билан боғлиқ кўп йиллик муаммоси ҳал бўлади.

Яккасарой туманининг "Яккасарой" маҳалласида 36 хонадонни ўз ичига олган 4 қаватли 2 та уй-жой қурилмоқда. Бу 36 оилга янги ва шинам замонавий турар жой ажратилади дегани.

Чилонзор туманининг "Нақшолик" маҳалласида ҳам 3-4 қаватли 5 та уй-жой қурилиши жадал олиб боришмоқда. Уйлар биттач 105 та оилани доимий турар жой билан таъминлаш имконияти яратилади.

Учтепа туманидаги "Богобод" маҳалласида ҳам 3 қаватли 2 та уй-жойнинг қад ростлаши билан 36 та оила ўз бошпанасига эга бўлади.

Республикамиз, хусусан, пойтахтимизда "Обод маҳалла" дастури иқроси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар аҳолининг фаровон турмуш кечирishiини таъминлашга қаратилганини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Бу эса эртанги кунга бўлган ишонч ҳисси янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга.

(Ўз мухбирларимиз)

**КОРХОНАДА ОГОҲЛИК
ТАДБИРИ**

"UZKABEL" акциядорлик жамияти қўшма корхонасида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улугбек туман ташкилоти билан ҳамкорликда ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси, туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маънавият ва маърифат маркази, туман тиббиёт бирлашмаси ва корхона ходимлари катнашди. Тадбир аввалда Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти ҳаракати тарихи ва ҳозирги фаолияти ҳақида тақдимо намойиш этилди. Ундан сўнг биринчи ёрдам тамойиллари, боғлов турлари, жабрланганларни транспортировка қилиш усуллари ва бошқа масалалар юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Ўқув-семинарни ўтказишдан асосий мақсад корхонада фавқуллода вазиятлар содир бўлганда корхона ходимлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш ҳамда улар ўртасида огоҳлик ва ҳушёрликни оширишдан иборатдир.

Тадбирда фавқуллода вазиятлар чоғида ёрдамга муҳтож жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишга тайёр бўлиш учун энг аввало нималарни билиши, нималарга эътиборни қаратиш кераклиги тўғрисида маъруза қилинди. Биринчи ёрдам тамойиллари, яъни тиббий ёрдам келгунга қадар тезлик билан биринчи ёрдам кўрсатадиган сандружинанинг асосий вазифалари нимадан иборатлиги, мажбурийлари, ўзига нисбатан хавфсизликни қандай таъминлаш, яъни ёрдам қўрсатилаётганда ўзини ҳимоялаш, энг муҳими ўзи ва жабрланувчига эътиборли бўлиши ҳақида тушунчалар берилди.

Ёнғиндан куйган, сувда чўккан, жароҳат олган, суяк синиши, чиқши, қон кетиш каби бахтсиз ҳодисалар жабрланганларга қандай ёрдам кўрсатиш ҳақида тушунча берилиб, амалда боғлов турлари кўрсатилди.

Туман тиббиёт бирлашмаси шифокори жабрланувчиларни транспортировка қилиш усуллари амалда кўрсатган бўлса, Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходими Отабек Хушвақов бу борадаги тегишли қарорлар билан семинар иштирокчиларини яқиндан таништириб ўтди.

Тингловчилар иштирокида биринчи ёрдам қоидалари ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича қизгин баҳслар олиб берилди. Семинар якуний қисмида комиссия иштирокида 24 нафар сандружиначилар билан савол-жавоблар ўтказилди.

Сандружина тингловчиларига Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улугбек туман ташкилоти томонидан сертификатлар топширилди. Тадбир сўнггида биринчи ёрдам ҳақидаги эслатмалар тарқатилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки бу каби тадбирлар фавқуллода вазиятларда ходимларни амалга ошириш лозим бўлган ҳаракатлардан бохабар этади. Бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатишга хизмат қилади.

**Анора ИРГАШЕВА,
Ўзбекистон Қизил Ярим Ой
жамияти Мирзо Улугбек
туман ташкилоти раҳбари**

**ЁЗГИ ТАЪТИЛ
МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА**

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг тиббий-ижтимоий марказида болалар кундузги соғломлаштириш маркази иш бошлади, дея хабар беради ЎзА.

Шу муносабат билан "Азиз ва ягонамабсан, жонажон Ўзбекистоним!" мавзусида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирда соҳа ходимлари, шифокорлар ва ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда навқирон авлодни соғлом вояга етказиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Фонд томонидан ёзги таътилда болаларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унда кўп болани ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ҳамда ногоирон болаларнинг саломатлигини тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Соғломлаштириш марказида болалар учун футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдончалари, ошхона, ётоқхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Марказга ҳозирда Тошкент шаҳридан 36 нафар ижтимоий химояга муҳтож оила фарзанди жалб этилди.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан болаларга эсдалик совғалари топширилди.
Мухайё ТОШҚОРАЕВА

Президент ташрифидан сўнг...

Азим Тошкентнинг сўлим гўшасида ёзувчи ва шоирлар учун бунёд этилаётган кўп қаватли уйнинг қаршисида Президент Шавкат Мирзиёев бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди. Учрашувни ёш ижодкор сифатида улкан ҳайрат ва ҳаяжон билан кузатдим.

**ИЖОДКОРИ ҚАДРЛАНГАН
МИЛЛАТНИНГ ҚАДДИ
БАЛАНД БЎЛАДИ**

– Сиз, ижодкорлар билан учрашиш менга куч-қувват беради, – деди давлат раҳбари. – Халқимиз маънавиятини юксалтиришда ижодкор-зиёлиларга таянаман. Биз ўтган йилларда катта камчиликка йўл қўйдик, сизларнинг жамиятда тутган ўрнингизга етарлича эътибор беролмадик, оқибатда маънавият соҳасида оқшар юзага келди. Бу барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказди. Камчиликларни рўй-рост гапирмадик, ижодкорларнинг эркин ижод қилишига йўл қўйилмади, ҳаёт сифатини яхшилашга эътибор қаратилмади. Биз энди ана шу хатоларимиздан хулоса чиқаришимиз лозим. Халқнинг маънавиятини ривожлантиришимиз, дунёқарашини ўзгартиришимиз, қотиб қолган онгимизни тазолашимиз зарур. Бунинг учун сиз, ижодкор-зиёлиларнинг кўмагингиз керак бўлади.

Академик Наим Каримов, адабиётшунос олим ва таржимон Иброҳим Гофуров, устоз шоир-ёзувчилар Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Эшқобил Шукур, Абдуқайюм Йўлдошев, Мунаввара Усмоновалар қаторида ёш ижодкор сифатида мамлакат раҳбарининг қаршисида туриб, ижод аҳлининг миллат, ҳалқ, Ватан олдидаги бурчи бениҳоя улкан, масъулияти юксак эканини англадим.

Дарҳақиқат, маънавият соҳаси барча соҳаларни боғлаб турувчи кўприк, ривожлантирувчи куч ҳисобланади. Адабиёт, бадиий ижод – улкан тарбия воситаси. Шу боис давлат раҳбари ёшларнинг маънавиятини юксалтирмасдан уларни ватанпарвар этиб бўлмайди, дея таъкидлади.

Дунёда ахборот технологиялари жадал ривожланмоқда. Даврнинг ўқдек шиддати олдиде одамзод ожиз қолаётди. Турли хабарлар, ахборотлар, вояча ва тафсилотлар одамларни шошиб яшашга чоғлатиляпти. Ёт гоилар, қарашлар таҳдиди ортиб борапти. Қалбга зарба берадиган, парчалайдиган, йўлдан оздирадиган, жазавога туширадиган, тобе қилиб умрни беҳуда сарф этадиган мафқуралар беихтиёр шууримизга сингиб, одат тусига кириб бормоқда. Бозор иқтисодиёти ва глобализация жараёналари билан боғлиқ мана шундай мураккаб шароитда адабиётнинг қаддини ростлаш, кўнгил озқуси, қалб тарбиячиси бўлган китобнинг нуфузини кўтариш, кенг тарғиб қилишга тобора аҳтиёж сезилмоқда.

Ижод аҳлининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, жамият тараққиёти учун беқисс аҳамиятга эга бўлган ижодий меҳнатни қадрлаш, адабиётни ёшлар ҳаётининг муҳим ва муносиб қисмига айлантириш бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифа эканини кўрсатди.

Барча соҳалар каби миллий адабиётимиз ривожини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилаётди. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйи ва поликлинникаси тубдан реконструкция қилинди. Уюшма қошида "Ижод" жамоат фонди тузилди. Адиблар хиббони барпо этилди. Ям-яшил либосга кўндирилган қаҳрабодек хиббонда Ёзувчилар уюшмаси учун янги инициоат бунёд бўлди.

Худудларда улуг адибларимиз номлари билан аталган ижод мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари қурилиши қизгин тус олди. Адабиётимиз атоқли номандаларининг юбилей саналари муносиб ишониланмоқда, истеъдодли ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли ижодий анжуманлар ўтказилмоқда. Бу ҳақда сўз кетганда, яқинда ўтказилган, мамлакатнинг турли худудларидан келган ўнлаб ижодкор ёшларни кашф этган "Зомин" анжуманининг истеъдодлар бешиги вазифасини ўтаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёш шоир ва ёзувчиларнинг биринчи китоблари давлат хизобидан кўп минг нусхаларда нашр этилди, таълим масканлари ва кутубхоналарга етказиб келинмоқда.

Учрашувда Президент кунчи бечо Тошкентда ўтказилган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусида ўтказилган йирик халқаро анжуман борасида ҳам мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Асллар силсиласида тўпаланган ҳақиқат шукки, шоирну носирни, олимун муаллимини эъзоз этган, адибу адабиётга раҳнамо бўлган давлат раванқ топаваради.

Заргар қимматбаҳо металлдан, адиб сўздан зебу зийнат ясайди. Моддий зийнат танни, сўз гаваҳри қалбни беэади. Шу боис ботиний гўзаллик ҳаммиса эъзозланади. Қалб меъморлари бўлган ижодкорларга эътибор қаратиш, уларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоялаш, турмушини яхшилаш ижодий меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори томи маънода "Давлат – маънавиятнинг бош хомийси" бўлишини исбот этди.


Мазкур қарорда Тошкент шаҳрида яшаб ижод қилаётган бир юз ўн нафар ижодкорларни имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жой билан таъминлаш, шунингдек, вилоят ва туманларда умргузаронлик қилаётган Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун уй-жойлар ажратилиши белги-ланган эди. Мана, орадан кўп ўтмай, азим пойтахтга кўрк бериб турган "Бўзсув" соҳилида замонавий лойиҳа асосида муҳташам уйлар қад ростляди.

Уйларнинг биринчи қаватида ижодкорлар ва уларнинг оила аъзолари, фарзандларига қулай шароит яратиш мақсадида поликлинника ва мактабгача таълим муассасаси ташкил этилган. Учрашув чоғида Шавкат Мирзиёев таълим соҳасига, хусусан, мактабгача таълимга ислохотлар нима учун зарур экани борасида ҳам сўз юритди.

Учрашув чоғида давлат раҳбари тегишли вазирлик ва идоралар мутаассадиларига Паркент туманидаги "Паркент", Жиззах вилоятидики "Зомин" ижод уйлари қурилишини жадаллаштириш борасида топшириқлар берди.

Самимий руҳда кечган учрашувда, ўз навбатида, устоз ижодкорлар Иброҳим Гофуров, Наим Каримов Президент Шавкат Мирзиёевга адабиёт, ижодкорларга қаратаётган улкан эътибор, яратиб бераётган шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

**Фахриддин ХАЙИТ,
"Ёшлик" журнали бош муҳаррири,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
ЎзА**



Футбол янгиликлари

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 21-тур баҳслари пойтахт жамоалари - "Локомотив" ва "Пахтакор"ни муҳим очколардан маҳрум қилди.

Чемпионатнинг биринчи босқичи арафасида кучли олтилик сари кечаётган баҳсларда кўлга киритилаётган галабалар "олтин очко"ларни клубларга тақдим этаётгани кўнонарли. Шу боис ҳар бир учрашув мурасасиз кечмоқда. Хусусан, ушбу турда амалдаги чемпион "Локомотив" ўз майдонида "Нефтчи" билан мураса йўлини танлашга мажбур бўлди. Қизиқарли ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Гарчи 4-дақиқада Г.Абдухалиқов меҳмонлар дарвозасига гол киритиб, темирйўлчиларни ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлсада, галабани сақлаб қола олмади. Ўйиннинг асосий вақти яқунланиб, ҳакам томонидан бўйича берилган қўшимча вақтда Б.Йўлдошев томонидан мезонлар дарвозасининг ишгол этилиши учрашувнинг 1:1 ҳисобидаги дуранг билан яқунланишига сабаб бўлди.

1912" жамоаси ўз майдонида турнир жадвали карвонбоҳиси "Пахтакор"га муносиб қаршилик кўрсатди. Қизиқарли, мурасасиз беллашув 1:1 ҳисобида яқунга етди. Қизиги, ҳар икки голга мезонлар футболчилари муаллифлик қилишди. Пахтакорчилар ҳужумини қайтариш чоғида кўноқликлар аъзоси М.Милич ўз дарвозасига гол киритиб, автогол соҳибига айланган бўлса, ўйин яқунланишига 15 дақиқа қолганида тажрибали Н.Отақўзиев меҳмонлар дарвозабонини ранжитди. Жамоадoshi оширган тўпни боши билан меҳмонлар дарвозасига жойлаб қўйган Н.Отақўзиев "Кўқон - 1912"ни мағлубиятдан қутқариб қолди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Сўғдиёна" - АГМК - 1:3, "Насаф" - "Бунёдкор" - 1:4, "Металлург" - "Қизилқум" - 2:1, "Навбахор" - "Бухоро" - 2:1.

Шунингдек, кучли олтиликка кириш учун интилаётган "Кўқон -

"Junior" футбол мактаби раҳбарияти ўз тарбияланувчиларини жаҳон футбол асослари асосида тарбиялашга аҳамият қаратмоқда.

ЁШ ЧАРМ ТҮП УСТАЛАРИМИЗ ИСПАНИЯДА МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИШДИ

Мактаб раҳбарияти ЎФА ҳамкорлигида махсус дастур асосида хориждан мурасасисларни жалб қилган. Мактаб дунёнинг гранд клублари, жумладан, Испаниянинг "Барселона" клуби академияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу боис ҳам "Junior" мактабининг бир гуруҳ иқтидорли тарбияланувчилари "Барселона" академияси директори Карлос Мартин тақлифига биноан Испанияда бўлишди. Эътиборлиси, пойтахтлик ёш чарм усталари "Барселона"нинг асосий таркиби машғул олиб борадиган базада жойлашган майдонларда шуғулланишга муяссар бўлишди. Шунингдек, ёш футболчилар "Ной Камп" стадиони ва клуб музейига экскурсия уюштириб, жаҳон футбол асослари тўп сурган "Барселона" клуби билан яқиндан танишишди.

Ташқирликлар аъзоси М.Милич ўз дарвозасига гол киритиб, автогол соҳибига айланган бўлса, ўйин яқунланишига 15 дақиқа қолганида тажрибали Н.Отақўзиев меҳмонлар дарвозабонини ранжитди. Жамоадoshi оширган тўпни боши билан меҳмонлар дарвозасига жойлаб қўйган Н.Отақўзиев "Кўқон - 1912"ни мағлубиятдан қутқариб қолди.

СОВРИНДОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда 15 ёшли чарм тўп усталари ўртасида футбол бўйича уюштирилган "Хотира қанотлари" хотира турнири яқунланди.

Тошкент шаҳри ҳамда бошқа вилоятлар жамоалари ўртасида ташкил этилган хотира турнирига бошқа рақибларига қараганда пухта тайёргарлик кўрган "Пахтакор" футбол академиясининг 2003 ва 2004 йилларда таваллуд топган тарбияланувчилари жамоалари финалда бош соврин учун кураш олиб боришди. Қизиқарли ва мурасасиз кечган беллашув Дмитрий Ан бошчилигидаги "Пахтакор - 2003" жамоасининг 4:1 ҳисобидаги галабаси билан яқунланди.

Хотира турнирининг учинчи ўрни учун кечган РОСММ - "Бунёдкор" ўртасидаги ўйин "қалдирғоч"ларнинг 0:1 ҳисобидаги мағлубияти билан тугади. Хотира турнирининг ёпилиши маросимида "Пахтакор" ва ўзбек футбол фахрийлари голиб ҳамда совриндорларга совринлар, эсдалик совғаларини тўқфа этишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолат

ЖИНОЯТ КЎЧАСИДАГИ ЎСМИР

унинг юзи қора, келажаги завол

Тун ярмида Адолат ҳоланинг уйқуси қочди. Бемаҳал келишга одатланган невараси Сардорбекни, четга ишлаш учун кетган ўғли ва келинини ўйлаб, кўнгли ўксиди. Ўғлини кўрмаганига ҳам 8 йил бўлибди. Ўшанда Сардорбек 9 ёшда эди. "Бечора болам, кўй шу сарсонгарчиликни. Ке, ўлгинга оталик қилсанг, менинг у ёғимдан бу ёғим яқин бўлса..." Шу пайт ичкаридан гурсиллаган овоз эшитилди. Сардорбек гиламда бежо тўлганиб ётарди...

Оиладаги нотинч муҳит ва назоратсизлик фарзанд бебошлигига сабаб бўлади. Шу боис мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларида фан, спорт ва касбунарсиз тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилган. Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ишлаб турибди. Ота-она, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида ҳар бир фарзанд тарбиясига эътибор қаратилмоқда.

Аммо... Воёга етмаганлар, ёшлар ўртасида жиноятлар содир этилмоқда. Улар кимлар, деган саволга тегишли соҳа ходимлари жавоб беради.

Воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар асосан нотинч, тез-тез оилавий жанжал бўлиб турадиган, ота-онаси ичкиликка ружу қўйган ёки ажрашган, шунингдек, хорижга ишлаш учун кетган оилалар фарзандлари томонидан содир этилмоқда, - дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари Шерзод Раҳимов. - Шу боис Бош прокуратура ва Воёга етмаганлар ишлари бўйича республика идораларо комиссияси билан ҳамкорликда назоратсизлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, носоғлом оилаларда тарбияланаётган воёга етмаганлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳудудларда тўлиқ ижрога қаратилган.

Маълумотларга кўра, воёга етмаганлар ўртасида жорий йилнинг 6 ойида 362 жиноят содир этилган. Улар орасида ўғирлик, талончилик, босқинчилик ва безорилик каби жиноятлар кўп аниқланган.

4343 нафар тарбияси оғир воёга етмаганлар ички ишлар идоралари томонидан профилактик ҳисобга олинган бўлиб, уларга таълим муассасалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан мураббийлар бириктирилиб, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли тўғарақларга жалб этилди.

Бу даврда ҳулқи ижобий томонга ўзгармаган 508 нафар ўғил-қиз ихтисослаштирилган ёпиқ турдаги таълим муассасаларига жойлаштирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида рўйхатга олинганларнинг 3807 нафари профилактик

ҳисобдан чиқарилди.

...Сардорбекнинг ота-онаси бирга яшамасди. Шундан сўнг ота ҳам, она ҳам боласини ташлаб хорижга кетди. Оқибатда у қари бувисининг қўлида қолди. Сардорбек 1-синфга ўқишга борганда ота-онаси ёнида эди. У жуда иқтидорли ўқувчи сифатида тилга тушди. Спорт тўғарақларига мунтазам қатнаша бошлади. Дастлабки йилдаёқ фахрий ёрлик билан тақдирланди. Оилада мувозанат бузилган, болага алоҳида эътибор қаратилмади. Аввалига отасини кейин онасини соғина-соғина зериккан аламзада бола энди кўчадан нажот қидира бошлади. Тоган дўстлари билан бирга ўз уйдан пул ўғирлади. Секин-аста, селиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолди.

Халқимизда "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган мақол бор. Хўш, ёшларнинг, айниқса, ўсмирларнинг жиноят кўчасига киришига нима сабаб бўлмоқда? Наҳотки, маҳалла, мактаб, кўчи-қўшни кўз олдида ўсиб келаятган боладаги ўзгартирилган сезмаса. Зотан, тарбияси нуқси бола оиласига, маҳаллага, жамиятга ҳеч қандай наф келтирмайди.

Мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида воёга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссия аъзоларидан иборат тузилган ишчи гуруҳлар томонидан назоратсиз ва қаровсиз аҳолда юрган ёшлар аниқлаб борилди, - дейди Ш.Раҳимов. - Уларнинг ота-оналари билан профилактик суҳбатлар ўтказилгандан сўнг ҳам фарзандларига таълим-тарбия бериш чорасини кўрмаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан мазмунли жавобгарлик ва бошқа таъсир чоралари кўрилувчи.

Жумладан, воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи барча органлар томонидан ҳамкорликдаги ишлар тўғриси йўлга қўйилганлиги натижасида, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда воёга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сезиларли даражада камайишига эришилди.

...Сардорбек Тошкент шаҳар наркологида диспансерида кўзини очди. Ёнида бувиси йўғлаб ўтирарди. Унинг меҳрибон бувисига меҳри йийди...

Гулноза БОБОЕВА, ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси Сизларни корхона ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга ТАКЛИФ ЭТАДИ

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли ва 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли ва 2017 йил 24 октябрдаги 872-сонли қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 12 январдаги 14-сонли, 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2017 йилнинг 28 октябрдаги 1452-сонли ва 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли қарорлари ҳамда Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашининг 2018 йил 14 августдаги 18-сонли баёни.

"Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК

- Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси, 29-уй.
- Умумий ер майдони: 3,6 га.
- Ижарага берилётган бинолар ва иншоотлар сони: 3 та лот.

- Жами ижарага берилётган майдон: 1933,0 кв.м.
- Коммуникация тармоғи: электр энергияси ва сувуқ сув билан таъминланган.
- Саноат зонасининг йўналиши: саноат ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

● Танловда қатнашиш учун тақлифларни топшириш манзили: "Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

Танловда қатнашиш учун тақлифларни қабул қилиш тартиби ва муддати: Танловда иштирок этишни истаган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир неча лотларга тақлифлар топширишлари мумкин. Тақлифлар 2018 йил 13 сентябрь, соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Танлов ўтказиш санаси: 2018 йил 15 сентябрь, соат 12:00.

Танлов ўтказиш манзили: "Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

Маълумот учун телефонлар: 271-10-63, (93) 596-80-39, (97) 700-91-82.

Электрон почта манзили: Chilonzor_ksz@mail.ru

"Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Себзор Ц17/18 даҳаси, 4-уй, 6-хонадон учун Назаралиева Гулчехра Каюмовна ва Мирзаев Тахир Каюмович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"101"

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК!

Кишилар "Ўз уйингни ўзинг асра" шиорини асосан мол-мулкни бегоналар тажовузидан сақлашни тушунади. Аммо ўзимиз, яқинларимиз ва уй-жойимизни ённинг офатидан сақлаш ҳам хавфсизликнинг ажралмас бир қисmidир.

Бу эса ҳаммиса ҳамма ерда масъулиятли бўлишни талаб этади. Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ённинг оқибатида уй ёки ишхона, у ердаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, қулга айланиши ҳеч гап эмас. Ёнғ ачинарлиси эса ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам завоёл топиши мумкин.

Бу борадаги ноҳушликларнинг олдини олиш учун аҳоли орасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш бўйича учрашувлар ўтказилиб, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

А.АБДУХАЛИКОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг моддий изларини қолдиради. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийта ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши курашмоғимиз даркор. Корхона-ташкилотлар бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзimasдек туолган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Ж.НАРГИТОВ, Ўзбекистон халқро анжуманлар саройини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қондаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириб келинмоқда.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат.

"Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир.

К.ПЎЛАТОВ, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

Баъзан турли маиший хизмат кўрсатиш масканлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги талабларига зид тарзда фаолият юритаётганлигига дуч келамиз.

Буларни асосан ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам учратишимиз мумкин. Улар қандай ишлар билан шуғулланишидан қатъий назар, давлат ва ўзларига тегишли бўлган мол-мулкка зарар етказиш мумкин. Бундан ташқари, ўз иш фаолияти билан инсонлар ҳаётига хавф солиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Шундай экан белгиланган ёнғин хавфсизлиги қоида талабларига тўлиқ риоя этишимиз зарур.

Э.СУГУРБОВЕВ, Учтепа тумани ЁХБ катта инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Эъзоз ва меҳр" нодавлат нотижорат ташкилоти Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги "Белдерсой" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ҳамда маҳаллий ва хорижий дам олувчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, туризмни ривожлантириш мақсадида, янги ва замонавий шаҳарсозлик қондаларига асосида барча қулайликларга эга бўлган янги бино-иншоотларни барпо этиш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни ҳамкорликка чорлайди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли, 434. Телефонлар: +998 95 513-14-03, +998 97 762-07-77.

ЎзГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 17 август куни ҳаво ўзгариш турари, ёнғинчилик бўлмади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси - 19,2, кундузи - 34-36 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 17 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шартлари шайх ҳаво муҳитида зарари моддаларининг бир оз тарқалиши кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 260см² табоқ, офсет усулида босилади. 4986 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси бошқармачиси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ



Буюртма Г - 835

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.10